


# ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMLI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 4 (174)

\* \* \*

2009-YIL

АПРЕЛ \*

ISSN -2010-9393

1993-YIL 21-MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

«Наврӯз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор кудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга бизнинг бир неча йиллик қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси тасдиғидир».

Ислом КАРИМОВ

Дунёдаги барча халқлар ҳаётида байрамлар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Байрамларнинг кўпчилиги бизга энг қадимги даврлардан етиб келган. Байрамларни нишонламайдиган инсон, оила ёки жамоани топиш қийин. Ҳар бир миллат ва давлатнинг умумий байрамларидан ташқари, ўз байрамлари бўлади. Ўзбек халқининг ҳам энг қадимий даврлардан шакллана бошлаган, авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб, бебаҳо меросга айланган байрамлари кўп.



25 март куни институт маданият саройида икки устоз-биология фанлари доктори, профессор Умаркул Раҳмонкулов ва филология фанлари номзоди, доцент Мустафоқул Каримовларнинг 70 йиллик юбилейлари нишонланди.

Доцент И.Икромов, М.Камолов устозларнинг ҳаёт ва фаолияти тўғрисида гапирдилар.

Юбилейларга вилоят ҳокимининг ердამчиси С.Ғозиев вилоят ҳоки-



## НАВРҮЗ ШОДИЁНАЛАРИ

Ўрта Осиё ва шарқ мамлакатлари халқлари қадим-қадимдан шамсия, яъни қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи кунини катта айём -Наврӯз байрами сифатида анъанавий равишда нишонлаб келади. Бу қуёшнинг Ҳамал буржига кириши, яъни 21 март-баҳорий тенг кунлик санасига тўғри келади. Кутлуг шодиёна -Наврӯзни ўтказиш маросими оммавий халқ сайлларига айланиб кетади. Чунки баҳорда бутун борлиқ уйғонади, дов-дарахтлар гўзал либосга бурканиб, табиат ям-яшил тусга киради. Она заминга кут-барака киради. Янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилади. Шоду хуррамлик билан кўклар нашидаси сурилади. Наврӯз янги йил байрамининг эмас, меҳнат байрами ҳам ҳисобланиб, деҳқончилик ишларини бошлаш учун фурсат бошланганини англатади. Бободехқонларимиз кўш ҳайдаб, далага дон сочади, эртанги насиба уруғини экади. Ота боболаримиз янги кунга, уйғониш, яшариб яшаш фаслига эсон-омон етиб келганликлари учун Яратганга шукрона айтадилар. Шунда ҳазрат Алишер Навоининг:

Ҳар тунинг қадр ўлубон,  
Ҳар кунинг ўлсин Наврӯз! -  
деган пурмаъно байти киши ёдига тушади.

Асрлар бўйи бу байрам халқнинг турмуш тарзига сингиб, сайқал топиб, бебаҳо миллий қадриятга айланди. У элимиз эзгу орзу-ният ва мақсадларини ўзида аке эттирган гўзаллик ва нафосат айёмидир. Донишманд аждодларимиз байрамга бир неча кун аввал тайёргарлик бошлаган ва шодиёналар салкам бир ой давом этган.

Наврӯз (янги кун) -баҳорги кеча ва кундуз тенглигига тўғри келадиган янги йил байрами. Баҳорги тенг кунлик аста-секин сурилиб туради: Ҳозирги пайтда 20-22 мартга тўғри келади. Умар Ҳайём замонасида 14-16 мартга тўғри келган. Наврӯз байрами араб истилосигача Эрон ва Ўрта Осиёдаги кўпчилик аҳоли, шунингдек Закавказьедаги маълум аҳоли қисмининг зардушт динига мансуб қавмларида диний байрам тусида ҳам ўтказилган.  
(Давоми 3-бетда)

## УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ

Эзлик йилдан буён халқ фарзандларини тарбиялашдек муқаддас ва шарафли касбни эъзозлаб келаётган устозларни дўстлари, шоғирдлари, қариндош-уруғлари ҳам табрикладилар.

Мусиқа бўлими санъаткорлари устозлар учун концерт намоиш этдилар.

Ф.КОМИЛОВ.

Абдулла Қодирий  
таваллудининг 115 йиллигига

## АРМОН

Ёдимга тушганда ўшал қора кун,  
Қодирий бобомни тортаман юкин.  
Энг нодир туйғуга номларин боғлаб,  
Хотира чокига кўшаман тугун.

Ул тугун сўғинчининг қўлин боғлайди,  
Айрилиқ риштаси кўнглим доғлайди.  
Мен йиғлаб чиқаман саҳарга қадар,  
Мен билан Кумушдай пари йиғлайди.

Бир дона гул қўйи десам қабрига,  
Қизидай тиз чўкай десам қабрига,  
Тополмай еламан бобом хокини,  
Армонли кўраман, Ранжнинг олдида.

Ёдимга тушганда ўшал қора кун...

## ЗАЙНАБГА АЙТГАНЛАРИМ.

Залворли тарихда бахтидан куйган,  
Юзлари ҳажрдан тим қаро бўлган,  
Бахт излаб толедан йироқда юрган,  
Кўзлари мунглийим, маъюс Зайнабим.

Ҳазон кунлар, қаранг унсиз юзлари,  
Қора доғли, тутун мудом диллари,  
Юракни титратар ҳазин унлари,  
Кўзлари мунглийим, маъюс Зайнабим.

Тарихнинг чархлари айланар тинмай,  
Пешонанг қаттиқми, қатлни билмай,  
Чоғга йиқилиб кетдингми сезмай,  
Кўзлари мунглийим, маъюс Зайнабим.

Гуноҳдор этайин мен кимни букун,  
Бош эгик,сукут-ла кўз ёши сим-сим.  
Сенга замин ташлади мусибат юкин,  
Кўзлари мунглийим, маъюс Зайнабим

Нодира Исомиддин қизи.

## АДАБИЁТШУНОС ОЛИМГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбек адабий танқидчилигини юқори чўққисига олиб чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим, беназир устоз Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги республикамизнинг турли ўқув муассасаларида кенг нишонланди. Институтимизнинг ўзбек филологияси факультети ўқитувчи ва талабалари ҳам адибнинг таваллуд кунига бағишлаб давра суҳбати уюштирилди.

Адабиёт кафедрасининг ўқитувчиларидан профессор О.Жўраев, доцент М.Каримов, И.Икромов, Н.Соатова, Ю.Каримова ва бир қатор ўқитувчи ва талабалар буюк ёзувчининг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти ҳақида гапирдилар.

Ф.КОМИЛОВ



2-бет

\* Махсус сиртқи бўлимида таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича кафедраларга тавсиялар.

3-бет

\* Институт жамоаси Наврӯзи оламни зўр шодиёна билан нишонлади  
\* Талабалар «Зиё чашмаси» газетасида ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашмоқдалар.

4-бет

\* Наврӯз мушоираси.  
\* «Келажак овози» - ҳаракатда  
\* Апрельнинг муҳим саналари.  
\* Бу китобни ўқинг!  
\* Табрик ва қутловлар.



Махсус сиртқи бўлим учун ўқув-меъёрий хужжатларни тайёрлашга оид

# КАФЕДРАЛАРГА ТАВСИЯЛАР

## 1. МСБ да ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув методик мажмуа

МСБ да маъруза ўқиш амалий лаборатория ва семинар машғулотларини ўтказишда илгор метод ва технологиялардан фойдаланилади. Жумладан, интерактив ижодий фаолиятини ривожлантириш, ижодий вазибаларни гуруҳ бўлиб ечиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва ҳоказолар.

1. ДТС дан фанга оид жойи кўчирмаси.
2. Ўқув режалари (намунавий), фанга оид соат олинади.
3. Таянч ва ишчи режа (намунавий ўқув режа асосида), фанга оид соатлар таркиби бўлиши.
4. Намунавий ўқув дастури. (ОТВ тасдиқлаган).
5. Намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган ишчи ўқув дастури. (Институт ЎИП тасдиқлаган).
6. Дарслик, ўқув қўлланма, маъруза тўпламлари ва унинг электрон вариантлари.
7. МСБ учун маъруза тўпламлари ва унинг электрон вариантлари.
8. Таълим методикаси ва технологиялари.
9. Ўқитувчининг ҳар бир мавзу учун интерактив методлари сценарияси.
10. Ёрдамчи ўқув материаллари (кўргазмалар, куруллар, электрон видео тасмалар, фанга оид ахборот ресурслари, маърузаларнинг видео ёзувлари).
11. Сессия оралиғи назорат ишлари (ҳар бир семестр учун камида 30 вариант бўлиши талаб этилади).

Ушбу 11 банддан иборат база ҳар бир фан учун ўқитувчи томонидан тўпланиб, унинг матни ва электрон вариантлари МСБ деканатида, кафедрада, дарс берувчи ўқитувчи қўлида электрон варианты компакт дискка кўчирилган ва МСБ порталига киритилган бўлиши шарт. Булардан талабалар олиб, мустақил ишлашда фойдаланишларига шароит яратилган бўлади.

## 2. Ишчи ўқув дастурини тузиш

Бу дастур кундузги бўлим учун тайёрланган намунавий дастур асосида тайёрланади ва қуйидаги қоидалар ҳисобга олинади:

- Айни фан бўйича махсус таълим муассасаси учун тайёрланган намунавий ўқув дастури синчиклаб ўқиб чиқилади.

- Ўрта махсус таълимда ва олий таълимда дастурларда бир хил ўринлар тавсифи берилди ва асосий ўрта таълимда эгаллаши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар мазмунига қаратилади.

- Талабалар учун мустақил тайёрлашга бериладиган мавзулар ва уларга қисқа изоҳ берилди.

## 3. Маъруза матнини тайёрлаш

Кундузги бўлим учун тайёрланган маъруза матнлари МСБ учун қўшимча адабиёт вазибаларини ўтайди, лекин МСБ учун алоҳида маъруза матни тайёрланади ва уларга қуйидагича талаблар қўйилади:

- Матн муаммо қўйиш билан бошланади, яъни мавзу бўйича режа берилди, лекин у муаммоли қилиб қўйилади.

- Матнда ҳар бир муаммо 2-3 вариантда изоҳланади ва талаба иш тажрибасига тадбиғи билан хулоса қилинади.

- Матндаги таянч тушунчаларни ифода қилувчи сўзлар, иборалар кенг ифодаланади.

- Талабаларга мавзу баёнидан ва муаммонинг ечимидан келиб чиққан ҳолда вазибалар, машқ бажариш, мисол ва масалаларнинг ечиш намуналари берилди.

- Мавзу бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати берилди.

- Ҳар бир мавзу охирида мавзунини ўзлаштиришга оид тузилган саволлар рўйхати келтирилади, маъруза матнлари ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилади ва нашр қилинади. Маъруза матни ҳар йили янгиланиб борилади.

## 4. Сессия оралиғи ишлари, МСБ талабаларининг асосий мустақил иши, унинг тузилиши, назорат қилиниши, тайёрлаш тартиби

Маълумки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 3 октябридаги 241-буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълимнинг махсус сиртқи бўлими тўғрисидаги Низом» нинг 3,4-моддасида «Махсус сиртқи бўлим ўқув жараёнида талабанинг сессия оралиғи ишлари энг асосий компонент сифатида иштирок этади» дейилган ва унинг мазмунини ҳар бир фан бўйича тайёрланган ишчи ўқув дастурида ақс этиши айтилган. Лекин кейинги даврда талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими сессия оралиқ назорат ишларининг мазмунини алоҳида ишлаб чиқиши ва анъанадаги сиртқи таълим назорат ишлари шакли ва мазмунидан тўдан фарқ қилиниши лозимлигини тақозо этмоқда.

Сессия оралиғи назорат ишларининг мақсади талабанинг сессия оралиғида муайян фан бўйича тўлиқ тайёргарлигини таъминлашдир. Бошқача айтганда, якуний баҳолашга тайёрлашдир. Шунинг учун ҳам сессия оралиқ назорат иши асосий баҳолаш иши вазибаларини бажаради ва у ҳар бир

фан бўйича 85 максимал (оралиқ баҳолаш) баллни ташкил этади.

Сессия оралиғи назорат ишида фаннинг барча бўлимлари мазмунини қамраб олинади ва улар турли иш шаклларида бажарилиши кўзда тутилади. Шунингдек, назорат ишида қўйилаётган ҳар бир назарий ва амалий масала талаба-ўқитувчининг амалий фаолияти билан боғлиқлиги ҳамда илгор педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлиниши ҳам шарт.

Сессия оралиғи назорат ишларида фаннинг ҳар бир бўлимида алоҳида иш тури ва технологияларини қўллашдан иборат топшириқлар белгиланади.

Сессия оралиғи назорат ишлари топшириқлари ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва талабанинг ижодий ишларига имконият яратиши лозим.

Бир фан бўйича сессия оралиғи назорат иши камида 30 вариантдан иборат бўлади ва рейтинг назорат дафтраси номерига қараб танлаш имкони бўлади.

Фаннинг бўлимлари бўйича берилган топшириқларнинг ҳажми ва қийинчилик даражасига кўра 85 балл ўзаро тақсимланади.

Икки ва уч йил давом этадиган фанлар бўйича ҳар бир ўқув йили учун сессия оралиқ назорат иши (бўлимлар бўйича) ёзилади ва 85 балл ўзаро тақсимланади. Ушбу «Махсус сиртқи бўлимларда сессия оралиқ назорат ишларини тайёрлаш тартиби» Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи қошидаги Махсус сиртқи бўлимларда бакалавр ўқитишнинг илмий амалий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2006 йил 24-мартдаги 4-мажлиси баёни билан маъқулланган.

Сессия оралиғи вазибалари тушунчаси аёнанадаги сиртқи бўлимда ишлатиларди. Лекин унинг мазмунини белгилаб берилмаган эди, аксарият ҳолатда ўқув режасида ўрин олган фанлар бўйича бир ёки икки назорат иши ёзиш мўлжалланган, холос. Махсус сиртқи бўлимда бу анъанадан воз кечилади ва бу бўлим талабаси эндиликда бир сессиядан иккинчи сессиягача муайян фанлар бўйича ўтилган мавзулар, бўлимлар ва тўла курсни ишлаб чиқарувчи амалий ишларни турли шаклларида бажарилиши режалаштирилади. Уларнинг айрим намуналарини кўрсатиш мумкин;

-Фан бўйича ҳар бир мавзу, муаммолар деталлаштирилган саволларга жавоб ёзиш.

Демак, аниқлаштирилган саволлар рўйхатини тайёрлаш;

-Ҳар бир мавзу бўйича муаммоли тестлар тавсия этиш. Де-

мак, тест саволлари мажмуасини тайёрлаш;

-Машқ бажариш, мисол, масала ечиш. Демак, тест саволлари мажмуаси ва кўп вариантли ёзма иш вариантлари тайёрлаш;

-Дастурга кирган масалалар бўйича турли ўйинли топшириқларни бажариш. Демак, ўйинли топшириқлар мажмуасини яратиш;

-Шахсий эксперимент ўтказиш вазибаларини бажариш. Демак, экспериментлар ўтказиш, мавзулар банкни яратиш;

-Ўз шахсий тажрибалари ва ўз ишланмаларини баён қилиш.

Сессия оралиғида бажариладиган ишлар пировард натижада назарий билимларни мустаҳкамлаш ва якуний назоратга тайёрлаш вазибаларини кўзлаши лозим.

Сессия оралиғида бажариладиган ишлар тўплами ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилади ва нашр этилади. Сессия оралиқ ишлари МСБ Низоми асосида талаба ўқишни тугатгунча 2 йил сақланади, талаба томонидан МСБда қайд қилинади, баҳолаш мезонлари асосида оралиқ назорат турлари бўйича тегишли баҳоланади.

## 5. МСБда битирув-малакавий иши мавзулари, уларнинг тартиби

БМИ тайёрлаш ДТС талабалари ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабрдаги 362- буйруғи билан тасдиқланган «Олий ўқув юрларида бакалавр битирув малака ишини бажаришга қўйиладиган талаблар» асосида бажарилади.

МСБ талабаларига қуйидаги характердаги мавзуларни битирув-малакавий иши сифатида тавсия қилиш жоиз бўлади:

-Талабанинг (ўқитувчининг) ўз концепт дафтари;

-Муайян фан бўйича қўлланма яратиш тажрибаси ёки фаннинг бир бўлими бўйича ишланмалар;

-Ўз тажрибасида турли адабиётлардан фойдаланиш технологияси;

-Тарқатма материалларни тайёрлаш ва фойдаланиш технологиялари;

-Фанлараро алоқаларни таъминлаш;

-Ўйинли технологиялар ва уларнинг сценарийларини яратиш;

-Ўқитишнинг илгор технологияларини қўллаш;

-Методик тавсияномалар мажмуаси ва ҳоказолар.

Шу билан бирга кафедрада МСБ учун БМИ тўғрисидаги Низом, рейтинг Низоми бўлиши шарт ва БМИ нинг бажарилиши бўйича методик ишлар, мавзунини танлаш, раҳбарни белгилаш, битирув иши тузилмаси, бажариш жараёни, ҳимоя ДА комиссияси баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом бўйича бўлишини таъминлашни тақозо қилади. БМИ мавзулари ҳар 3 йилда институт илмий кенгашида тасдиқланади, ҳимоя қилинган ишлар Низомда кўрсатилган тартибда сақланади.

МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ



# НАВРЎ ШОДИЁНАЛАРИ

(Давоми. Аввали 1-бетида)  
Замонлар ўтиши билан бу байрам та-  
комиллашиб, унга мос кун аниқлан-  
ган. У «йил боши» сифатида белги-  
ланиб, унга «Наврўз» (яъни, «Янги

кун») деган ном берилган, деб тах-  
мин қилиш мумкин. Мана шу та-  
риқа Наврўз байрами ҳар йили 21  
мартда нишонланиб келинади.

20 март кунини Жиззах шаҳри бай-  
рамона либосга бур-  
канди. Халқимиз шу  
кунини энг қадимий  
удумларимиздан бўл-  
ган Наврўзни кенг  
нишонлади. Шаҳри-  
мизнинг «Ёшлар ша-  
ҳарчаси» ҳудуди ай-  
ниқса ёшлар билан  
гавжум бўлди. Инсти-  
тутимиз ҳудудида ўқув  
маскани профессор-  
ўқитувчилари, талаба  
ёшлари йиғилдилар.  
Ҳар бир факультет

жамоаси ўзининг кўлга ки-  
ритган ютуқларини кўргаз-  
ма ва стендларда намойиш  
қилди, дастурхонларга мил-  
лий таомлар, баҳор неъмат-  
лари ва сумалак тортилди.  
Вилоят ҳокими вазифасини  
бажарувчи М.Холбўтаев ва  
вилоятнинг бошқа раҳбар-  
лари, институт ректори,  
профессор О.Дўематов ҳам-  
роҳлигида бакалавр, магистр, аспи-  
рантлар, профессор-ўқитувчилар ҳу-  
зурига келиб, уларни Наврўз айёми  
билан табриқладилар.

Шу кунини факультетлар ўртасида  
кўргазмалар, миллий таомлар тайёр-  
лаш, дастурхон тузаш, бадий чи-  
қишлар бўйича ўзаро беллашув бўлиб  
ўтди. Жюри аъзолари ҳар бир фа-




культет жамоаси ишнини атрофлича кўриб  
чиқиб, уларни баҳолаб бордилар.

Шаҳримизда ва институтда Наврўз шодиё-  
налари кечгача давом этди.

**А. АРИПОВ,**  
жамоатчи мухбиримиз.

Суратларда: Наврўз байрами шодиёналари акс  
этирилган.

Т.ТУРДИЕВ суратлари.



# ТАЛАБАЛАР ХАТЛАРИДАН

## КАДРИЯТ

### «ИСФАНДАРМУЗ» - аёллар оғи

Хотин-қизлар байрамининг тарихи  
узок ва қизиқарлидир. Аксарият киши-  
лар бу байрамни XX асрда вужудга кел-  
ган деб ўйлашади. Аммо тарихий ман-  
балар гувоҳлик беришича хотин-қиз-  
лар байрами Ўрта Осиё ҳудудида қад-  
димдан, яъни оналик уруғи ҳукмрон-  
лиги (матриорхот) даврида ҳам бўлган  
экан.

Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқ-  
лардан қолган ёдгорликлар» асарида  
аёллар байрамининг мавжудлиги ҳақи-  
да қизиқарли маълумотларни қайд эт-  
ган. Маълум бўлишича, баҳор арафа-  
сидаги оғи «Исфандармуз» деб аталиб,  
бу оғи аёллар оғи ҳисобланган. Шу оғи-  
нинг бешинчи кунини эса аёлларнинг  
энг катта байрами ҳисобланган. Бу  
борада Беруний «Ўтмиш замонларда  
бу оғи ва бу кун хотинлар ҳаётига хос  
бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эди-  
лар» деб ёзади.

Аёллар оғи ҳисобланган «Исфан-  
дармуз» сўзининг маъносига тўхтал-  
сак, бу сўз «ақл» ва «мулоҳаза» демек-  
дир. Шу ўринда «Исфандармуз» сўзи -  
гўзаллик соҳиби, номусли, яхши иш-  
лар қилувчи ва эрига муҳаббатли хот-  
инга вакил қилинган фариштанинг  
номи ҳамдир.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз  
ҳам аёлларга нисбатан юксак эътибор  
ва иззат-икром билан қараган. Самар-  
қандда юртимизга кўрк бағишлаб  
турган «Боғи дилқушо», Сароймулк-  
хоним, «Боғи жаҳоннамо» эса Тавак-  
кал оғи бегим ҳурматида барпо этил-  
ганлиги ҳам аёлларга эътибор намуна-  
сидир.

Бу байрам Ўрта Осиёда қадимда аёл-  
лар байрами сифатида нишонланган,  
бирок Ўрта асрларга келиб кўпгина  
бошқа байрамлар каби йўқолиб кет-  
ган.

**Исобек ҚУРБОНОВ,**  
тарих факультети  
3-босқич талабаси

### ЮКСАК МАЪНАВИЯТ- ЕНГИЛМАС КУЧ

### ИБРАТ БЎЛИНГ

Биз маънавий томондан баркамол,  
маърифий етук инсонни ям-яшил, ме-  
нали дарахтга қиёслаймиз. Аксинча,  
сахту-сумбати кўркам, аммо маънавий  
қашшоқ одамни қуриган дарахтга  
қибс этгулик.

Баъзан кундалик ҳаётимизни кузатар  
эканмиз, маънавият мезонларининг  
бузилиши, яхши фазилатлар ўрнини  
иллатлар эгаллаётганининг гувоҳи бў-  
ламиз. Инсонлардаги бундай оқибат-

ларни кўриб, маънавий дунёси  
қашшоқ экан-да, деймиз. Тан  
олиш керак, айрим тенгдошлар-  
римиз маънавият, унинг мезон-  
лари нима эканлигини тўла англаб  
етишмаган. Олдин ҳол, ёшларнинг  
кўчада юришини олайлик, улар-  
нинг ҳатти-ҳаракатларидан ўрин-  
сиз сўзларни қўллашдан «эх» дея  
ачиниш ҳисси уйғонади кишида.

Юртбошимиз И.А.Каримов айт-  
ганларидек: «Ўзбекистон келажаги  
ёшлар қўлида». Фақат маънавияти  
юқори юртгина юқори натижа-  
ларга эриша олади. Жамиятимиз-  
нинг маънавиятини белгилашда  
ёшларнинг ўрни катта экан, биз,  
ёшлар юқорида айтилган сўзларга  
лойиқ бўлиш учун, маънан ва қал-  
бан уйғоқ бўлайлик.

**Наргиза ТОЖИБОЕВА,**  
**Нигора ПИРНАЗАРОВА,**  
ўзбек филологияси  
факультети талабалари.

### КУЧ БИРЛИҚДА

### КОМИЛЛИККА ЧОРЛАР «КАМОЛОТ»

Маънавий баркамол ёшлар юрт  
тақдирини, фаровонлигини ҳамда  
равнақини белгилувчи катта куч-  
дир. Шундай ёшларни бирлашти-  
рувчи куч «Камолот» ЁИХдир. У  
сўнгги йилларда самарали ва сер-  
маҳсул ишларини олиб бормоқда.  
ЖДПИ «Камолот» ЁИХнинг  
бошланғич ташкилоти ўтган 2008  
йилда олиб борган фаолиятига  
назар ташлайдиган бўлсак, бу  
йилда мазкур ташкилот кўпгина  
муваффақиятларни кўлга киритди.  
Институт қоғида бошланғич таш-  
килот томонидан турли хил тўта-  
рақлар ташкил қилинди, оммавий  
тадбирлар ва ёшлар билан очик  
суҳбатлар ўтказилди. Жумладан,  
«Нотиқлик» клуби, «Посбонлар»  
тизими ташкил этилди. Бу эса ёш-  
ларнинг бўш вақтларини мазмун-  
ли ўтишига, уларни фойдали иш-  
ларга жалб қилишга хизмат қил-  
моқда. Бундан ташқари 1-декабр  
ОИТС га қарши кураш кунини му-  
носабати билан институт ректо-  
рати, маънавий-маърифий бўлим,  
хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот»  
ЁИХ, Жиззах вилоят ОИТС  
маркази ходимлари ҳамкорлигида  
«Ёшлар умримиз гуллари, эртанги  
ҳаётимиз ниҳоллари» шиори ости-  
да расмлар ва мақолалар танлови  
бўлиб ўтди. Мазкур танловда 30 га  
яқин илмий мақолалар, 10дан

ортиқ расмлар билан талабалар иш-  
тирок этди ва голиблар аниқланиб  
тақдирланишди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки,  
бошланғич ташкилот томонидан  
меҳрга муҳтож инсонларга кўмак Се-  
риш мақсадида кўпгина хайри ишлар  
амалга оширилиб келинмоқда. Ин-  
ститутнинг энг фаол талабалари шаҳ-  
римиздаги 29-сонли меҳрибонлик  
уйига, ўзбек филологияси факультети  
талабалари кўзи ожизлар жамиятига,  
педагогика-психология йўналиши та-  
лабалари наркологида диспансери да-  
воланувчиларига бегараз маънавий  
ёрдам қўлини чўзиб келмоқда.

**Феруза БОБОЕВА,**  
**Дилобар НОРБЕКОВА,**  
ўзбек филологияси  
факультети талабалари.

### ДИЛ ИЗОРИ

### ВАТАНИМ МЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН

Ватан! Шу биргина сўз замирида  
олам-олам маъно бор. Бу сўзни та-  
лаффуз қилганда қалблар гурурга,  
завқ шавққа, бетимсол ҳис-ҳаяжон-  
ларга тўлади. Вужудни алақандай  
оромбахш туйғулар қоплайди.

Мактаб ёки боғча ёнидан ўтиб  
кетаётган, жўшқин дилларнинг «Ҳеч  
кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!»  
деб қуйлаётганларини эшитиб, ўзинг-  
га сизмай кетасан, киши. Шу жажжи,  
қайноқ кўнглиларда мустақил юрт  
меҳри, муҳаббати камол топаётгани-  
дан қувонмай завқланмай бўладими?

Бундай пайтлар дилингизга олам-  
нинг абадул-абад давом этадиган  
тонглари далда берали, албатта. Умид  
билан экилган дарахт бир кун келиб  
мева бериши тайинку. Дарвоқе, биз  
мустақилликнинг азиз неъматларидан  
бахра олиб, тинч осойишта, фаровон  
яшашмоқдамиз, мана шундай жаннат-  
макон ўлкамизга илоҳим кўз тегма-  
син.

**Зоҳида ЭРКИНОВА,**  
педагогика-психология  
йўналиши 1-босқич талабаси.

### ФИКР

### БЎШ ВАҚТ ҚОЛДИРМА

Бугунги кунда маънавий- мафку-  
равий ишларнинг марказида туриши  
лозим бўлган муҳим масалалардан  
бири -бу ёшларнинг бўш вақтини  
тўғри ташкил этиш, уларни фойдали  
ва қизиқарли машғулотлар билан  
банд қилишдан иборат. Чунки ҳаёт-  
даги кўпгина нохушликлар бекорчи-

ликдан, ёшларни ҳаётга нотўғри кўз билан  
қарашидан келиб чиқади. Бугунги глобалла-  
шув замонида ёшларнинг қалби ва онгини  
эгаллаш учун мисли кўрилмаган даражада  
кураш бормоқда. Бундай кураш ҳаётнинг  
турли соҳаларида намойён бўлмоқда. Бугунги  
кунда ёшлар маънавияти ҳақида сўз бор-  
ганда, бу борадаги қарашларимизни шакл-  
лантиришимиз, ёшларни янгича дунёқараш  
асосида камол топтиришимиз, энг муҳими  
ёшлар онгига миллий руҳ, миллий ғоя, она  
юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини  
сингдиришимиз лозим.

**Файзулла УСАНОВ,**  
хорижий тиллар факультети 3-  
босқич талабаси.

### ҲУҚУҚ БИЛИМЛАРИ-ҲАММАГА

### ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАҲЛСИЗЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Конститу-  
циясининг 25-27-моддалари шахсий ҳаёт  
дахлсизлиги ҳуқуқини мустаҳкамлайди.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар фуқаро-  
ларнинг табиий ҳуқуқлари бўлиб, улар  
шахснинг ҳаёти, соғлиги, номусли, қадр-қим-  
матини таъминлайди. Шахсий ҳуқуқ ва эр-  
кинликлар давлат томонидан берилмайди,  
уларга ҳар бир шахс туғилиши билан эга  
бўлади. Давлат эса ҳуқуқ ва эркинликларни  
бугунгача тўла таъминлаб келмоқда. Шах-  
сий ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга тегишли  
бўлган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларга нис-  
батан устувор ва улар муқаддасдир. Шунинг  
учун ҳам инсон ва фуқароларнинг асосий  
ҳуқуқлари тизимида энг муҳими: яшаш ҳуқу-  
қи ва шахс дахлсизлиги ҳисобланади. Кон-  
ституциямизга биноан инсоннинг ҳаётига  
суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисоблана-  
ди. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик  
ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган  
қолда қибса олиниши ёки қамолда сақла-  
ниши мумкин эмас. Жиноят содир этган-  
ликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши  
судда қонуний тартибда, ошқора кўриб  
чиқилиб айби аниқланмагунча у айбдор ҳи-  
собланмайди. Судда айбланаётган шахсга  
ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар  
таъминлаб берилади.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий, ил-  
мий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас-  
лиги асосий қомусимизда мустаҳкамланган.  
Яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч ким  
ҳақли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда  
амалга оширилаётган ислохотлар туфайли  
қисқа вақт ичида фуқаролик жамиятининг  
асосларини қуришга инсон ҳуқуқ ва эркин-  
ликларни ҳимоясини таъминлайдиган меха-  
низмларни яратишга эришилди. Ўз навбати-  
да Ўзбекистон ўлим жазосини бекор қилиш-  
да узок ва оғир ҳамда мураккаб тарихий йўл-  
ни босиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаш  
жоиз.

**Алишер АРИПОВ,**  
тарих факультети миллий ғоя,  
ҳуқуқ ва маънавият асослари  
йўналиши 3-босқич талабаси.



# НАВРЎ МУШОИРАСИ

## БАҲОРИМ ХУШ КЕЛДИНГ

Яна баҳор келди шудрингдек тоза,  
Оппоқ орзуларга тутиб бағрини.  
Ўрик шохларига териб гулларин,  
Оламга таратиб унинг атрини.

Куюш ҳам самимий сочиб нурини,  
Заминни илиқ бир ишққа тўлдириб.  
Севишган қалбларни шод айлаб яна,  
Гўё бахтли бўл деб тилак билдирди.

Мен сенга билдирай энг ёруғ тилак,  
Кўкларим тўлдиргин кўнглини ишққа.  
Ёз, куз, қишнинг ҳам зийнати бошқа,  
Аммо сен бошқасан ҳаммадан бошқа.

Баҳорим хуш келдинг юртимга бугун,  
Сочавер дунёга чиройингни сен.  
Хуснингга меҳрли кўзимга боқиб,  
Сенга атаб шеърлар ёзаверай мен.

**Юлдуз ДЎСТБЕКОВА,**  
география ва иқтисодий  
билим асослари бўлими  
I-босқич талабаси

### А Ё Л

Гўзаллик тимсоли аталмиш аёл,  
Сирли боқишлари жон олгучидир.  
Ақлу-заковатда тенгсиздир аёл,  
Алфомушдек бекларга ёр бўлгусидир.

Фарзандлар камолин кўрганда аёл,  
Дунёда бахтиёр, энг бахтли она.  
Жангларида енгилмас ўзинг мард аёл,  
Сенинг таърифингни куйлайман ёна.

Хурмату-эъзозда юрса гар аёл,  
Юрти фаровондир, рўзғори обод.  
Қадрла, қадринга етгайдир аёл,  
Пайғамбар сийлаган ул муътабар зот.

Бешикла дунёни тебратган аёл,  
Жаннат эшигини очган онасан.  
Қалбини поёндоз айлаган аёл,  
Миллат давомчиси Момо ҳавосан!

**Наргиза ҚОДИРОВА,**  
ўзбек адабиёти йўналиши 2-  
босқич магистранти.

## БАҲОР ШАМОЛИ

Гоҳ илиқ, гоҳ совуқ сабоси ила  
Келди кўкларим, кўкда куюш кулади.

Ҳамид Олимжоннинг ўриги каби,  
Деразам тагида ўрик гуллади.

Куюшнинг бор меҳридан гунчалар гулга  
Айланар, гуркираб, балқ ўриб хандон.

Гулгун навалари шамол куйига  
Маст, ўйин тушади бахтиёр шолон.

Шунда шадлод шамол навда бағридан  
Юлиб олиб кетар оппоқ гулларин...

Дарахтчи, бепарво, шамол ишидан  
Мағрур. Маликадек тутуди қадин.

Дарахт ачинмайди: Бағридаги гул  
Узулиб, ҳазон ҳам бўлди-ку, охир.

Балки, баҳор яна қайтади, дея  
Юпатар ўзини, хўрсиниб огир...

Сен, эй, оқ либосли гўзал малика,  
Шохинг-ла деразам чертма, майлига

Лекин шуни билгин, оппоқ гулларинг  
Алданибди шамолнинг қора макрига.

**Марҳабо АВГАНОВА,**  
ўзбек филологияси факультети  
3-босқич талабаси.



## КИЗҒАЛДОҚЗОР

Баҳоримда униб чиққан қизгалдоғим,  
Сенинг каби қизаргандир гул яноғим,  
Бўйинг эгма кўтар бошинг уялмагин,  
Адирларда кўпайганим қизгалдоқзор.

Кўз ёшлардан кўкардингни бағрикенгим,  
Отани қизил юракларга губоҳлигим,  
Минг азобда дардин ютган паноҳлигим,  
Адирларда кўпайганим қизгалдоқзор.


Илк себимнинг йўлларида сен унганим,  
Сенинга парво қилмай мен кетганим,  
Шод кунимда кўзларингга парво қилмай,  
Яна сени кўмсаб келдим қизгалдоқзор.

Ҳар баҳорда келиб кетган меҳмонлигим,  
Ҳар йил сени кутиб олай мезбонлигим,  
Сенинг учун бўлай қанча қурбонлигим,  
Доим сени кутганим қизгалдоқзор.

Шамоллари эркалаган эркатойим,  
Нималар деб чайқаласан сен мулоийим,  
Юзларингдан ўпсам агар сен гулоийим,  
Яна сени соғинаман қизгалдоқзор.

Хайларим сен томонга олиб кетса,  
Дардларим бир кун бориб сенга етса,  
Яна бир бор дийдорлашмоқ насиб этса,  
Бағрингни мен тўлдирайин қизгалдоқзор.

**Раъно ГУЛМУРОДОВА,**  
педагогика факультети  
3-босқич талабаси.



## АПРЕЛНИНГ УНУТИЛМАС САНАЛАРИ

1 апрел - Кулгу ва ҳазил - муто-  
йиба куни

2 апрел - Халқаро болалар ки-  
тоби куни

7 апрел - Бутун жаҳон саломат-  
лик куни

9 апрел - Буюк саркарда Амир  
Темур (1336-1405) таваллудининг  
673 йиллиги

10 апрел - Ўзбек халқ ёзувчиси  
Абдулла Қодирий (1894-1940) та-  
валлудининг 115 йиллиги

15 апрел - Ўзбекистон халқ  
рассоми, график рассом Искан-  
дар Икромов (1904-1972) тавал-  
лудининг 105 йиллиги

20 апрел - Ўзбек хонандаси,  
халқ ҳофиси Маъмуржон Узоқов  
(1904-1963) таваллудининг 105  
йиллиги

23 апрел - Бутун жаҳон китоб  
куни

- Халқаро муаллифлик ҳуқуқ-  
ларини ҳимоя қилиш куни

- «Маънавият ва тарғибот» Рес-  
публика жамоатчилик маркази  
ташkil этилганига 15 йил тўлади

25 апрел - Ўзбекистон халқ  
ёзувчиси Ҳамид Фулом (1919-2005)  
таваллудининг 90 йиллиги

26 апрел - Ўзбекистон халқ  
шоири Муҳаммад Юсуф (тахал-  
луси, асл исми-шарифи Юсуфов  
Муҳаммаджон) (1954-2001) тавал-  
лудининг 55 йиллиги.

### Семинар-тренинг

## БИЗ-БИР ЖАМОАМИЗ!

Ана шу шиор остида «Келажак  
овози» Ёшлар ташаббуслари  
маркази Жиззахда семинар  
тренинг ўтказди. Унинг ишти-  
рокчилари тадбиркор ёшлар ва  
олий ўқув юртларининг тала-  
балари бўлдилар.

Семинар қатнашчилари институ-  
тимизда бўлиб, талаба-ёшларнинг  
ўқиш шароитлари билан таниш-  
дилар.

Ўтказилган давра столи атрофидаги  
суҳбатда Жиззахнинг бир қатор йирик  
ишлаб чиқариш корхоналари раҳбар-  
лари иштирок этдилар. Бундан асо-  
сий мақсад - иқтидорли ёшлар сафи-  
ни янада кенгайтириш ва келгусида  
уларни иш билан тўла таъминлаш-  
дир.

Институтигимизда ёшлар ташаббус-  
кор гуруҳларини профессор-ўқитув-  
чилар, талабалар кутиб олдилар.

«Биз-бир жамоамиз!» шиори ости-  
даги ҳаракат вилоят миқёсида давом  
этноқда.

**Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ.**  
«Зиё чашмаси» ходими.

## ЭЗОП ҲАЗИНАСИДАН

Бу китобни ўқинг

Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи «Афсонавий ҳақгўй ҳабаш»  
номли рисолаи чоп этди. Китоб таниқли журналист ва олим Мухтор Худойқулов  
таржимаси ва талқини остида нашр қилинди. Рисолада эрамиздан олдинги VI асрда  
Юнонистонда яшаб ўтган афсонавий донишманд, файласуф Эзоп (Исомий асарларда-  
Луқмони ҳаким) ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар ва унинг масаллари жам этилган.

Бу ҳикоя ва масаллар бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳаётини ибратдир.  
Куйида донишманд кул Эзоп масалларидан намуналар ўқийсиз.

**Ситора ШАРИПОВА**

### Беҳуда чираниш бел синдирар.

Осмонда учиб юрган бургут отардан бир кўзичокни кўтариб кетди. Буни кўрган зағ-  
ча ҳам бургутнинг қилганини қилгиси келди ва учиб бориб катта бир кўйга човут сол-  
ди. Аммо у кўйни кўтариб кетолмади, боз устига чангали кўйнинг юнгига уралашиб  
қолди. Буни кўриб турган чўпон зағчани ушлаб олди ва қанотларини қирқиб, болаларига  
ўйин учун берди.

«Оёғинг остини кўрмас экансан, осмонда нима бор?»

Бир мунажжим кечаси осмондаги юлдузларни кузатиш билан овора бўлиб ногаҳон  
кудуққа тушиб кетди ва «дод -вой» кўтарди. Бир одам келиб гапнинг нимадалигини  
билди ва уни қутқараётди:

-Оёғинг остини кўрмас экансан-осмонда бало борми? -деди.

«Юкни тортган биз-у, сен нега «оҳ-воҳ» қиласан?»

Хўкизлар огир юк ортилган аравани тортиб боришар, арава эса тинмай «ғасир-ғусур»  
қиларди.

-Юкни тортган бизлар-у, нега сен бунча «оҳ-воҳ» қиласан?-дейишди хўкизлар аравага  
қайрилиб қараб.

### Икки кеманинг бошини ушлаган фарқ бўлар

Зағча каптарларни дон-дунга тўйиб яшашларини кўриб каптар бўлгиси келди ва  
ўзини оқ ранга бўяб каптарларга қўшилди. Аммо каптарлар унинг зағчаллигини билиб  
қолишди ва ҳайдаб юборишди. Зағча ўз тўпига келиб қўшилган эди - унинг патлари  
оқ ранга бўялганини кўриб, улар ҳам қўшишмади. Зағча яккамоҳов бўлиб қолди.


**Туянинг рақси**

Бир куни туяга:

- Бир рақсга тушиб бер, - дейишди.

- Менинг юришим нима-ю, рақсим нима бўларди, - дебди туя ижирганиб.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Инглиз тили ва адабиёти  
кафедрасининг ўқитувчиси,  
Ўзбекистон Халқ маорифи  
аълочиси, устоз Ҳошимжон  
Маматқуловни табарруқ 60  
ёши билан табриклаймиз.

Жаҳонгашта устозга узоқ  
умр, сиҳат-саломатлик, ои-  
ласига тинчлик-тотувлик,  
педагогик фаолиятига рав-  
нақ тилаймиз.

Дўстлар номидан.

### МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институтини

### Бош муҳаррир:

Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар  
тахлил этилмайди ва  
муаллифларга  
қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри  
тахририят нуктаи  
назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида № 06-028  
рақами билан рўйхатга  
олинган.

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси,  
Абдулла Қодирий номи Жиззах  
Давлат педагогика институтини.

«Zamin Print» МЧЖ босмаҳонасида  
офсет усулида 5000 нусхада  
босилди. Буюртма № 139